



ҚўШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ, УНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Турдалиев Элдор Шухратжон ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0003-5441-3118
eldor.turdaliyev@soliq.uz

Аннотация. Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиш маъмурчилиги ўрганлан ҳолда уларни солиқ солишни тартибига солиш, қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш билан ҳам боғлиқдир. Мақолада қўшилган қиймат солиғи базасини ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари, уни аниқлашдаги айрим мураккабликлар ва муаммолар таҳлил этилган, солиқ базасининг шакллантиришни такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилади. Бундан ташқари қўшилган қиймат солиғи базасини аниқлаш ва ҳисоблаш юзасидан киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни қўллаш натижаларга асосланиб тегишли хулосалар шакллантирилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: қўшиган қиймат, қўшилган қиймат солиғи базаси, солиқ, бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, солиқ юки, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.

АДМИНИСТРИРОВАНИЕ НАЛОГА НА ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ, ЕГО СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ

Турдалиев Элдор Шухратжон угли
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Изучение администрирования налога на добавленную стоимость в нашей стране также связано с совершенствованием налога на добавленную стоимость. В статье анализируются особенности расчета налоговой базы на добавленную стоимость, некоторые сложности и проблемы ее определения, а также акцентируется внимание на вопросах совершенствования формирования налоговой базы. Кроме того, по результатам применения изменений и дополнений к определению и расчету базы налога на добавленную стоимость сформированы соответствующие выводы и разработаны рекомендации.

Ключевые слова: добавленная стоимость, база налога на добавленную стоимость, налог, бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, налоговый потенциал, нормативный анализ, налоговое бремя, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы.

VALUE-ADDED TAX ADMINISTRATION, ITS SOCIO-ECONOMIC IMPORTANCE

Turdaliev Eldor*Tashkent State University of Economics*

Abstract. *Studying the administration of value-added tax in our country is also related to the improvement of value-added tax. The article analyzes the specific features of calculating the value-added tax base, some complications, and problems in its determination, and focuses on issues of improving the formation of the tax base. In addition, based on the results of applying the changes and additions to the determination and calculation of the value-added tax base, relevant conclusions were formed and recommendations were developed.*

Keywords: *value added, value added tax base, tax, budget policy, budget, tax administration, tax potential, regulatory analysis, tax burden, tax reporting, tax revenues, tax benefits.*

Кириш.

Мамлакатимиз ишлаб чиқариш бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, миллий валютаимизни мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш, ислохотларни кенг жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ юкини камайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва сармоядорларга кенг йўл очиб бериш, бизнес вакилларига имкониятлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омиллар ишлаб чиқиш, асосий стратегик ҳаракатларимизнинг бош омили сифатида белгиланган.

Солиққа тортиш ҳар қандай давлатнинг молиявий сиёсатининг асосий таркибий қисми бўлиб, даромадларни шакллантириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистонда ўсиб бораётган иқтисодиёт сифатида солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳамда ҚҚС маъмурияти соҳасида ўзига хос чоратадбирлар ва амалиётларни қабул қилди. Ўзбекистонда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш тартиби ва ҚҚС маъмуриятининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида умумий маълумот бериб, мамлакатда солиқ қонунчилигига риоя этилишини таъминлашда тадбиркорлик субъектлари учун қулай муҳит яратиш муҳимдир. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ва ҚҚС маъмуриятига бўлган ёндашуви рақамлаштириш ва халқаро савдодаги глобал тенденцияларга мос равишда ривожланмоқда. Бу эса Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари ва оқибатларини ҳар томонлама ўрганиш имконини беради.

Адабиётлар шарҳи.

Рус иқтисодий луғатида ҚҚСни аниқлашни қуйидагича ифодалаган: “Корхонада товар ва хизматлар сотишдан олинган тушумлар ҳамда ташқи бозорнинг бошқа ишлаб чиқарувчиларидан олинган хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларнинг нархи ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ушбу корхонанинг қийматини оширувчи миқдорда солиқ ундирилади (Райзберг, 2008).

Бир-бирига яқин фикрлар билан мамлакат қонунчилигида белгиланган таърифларни қўллаб-қувватлаган олимлардан Поляк, Романовскийларнинг (2008) фикрича: “Қўшилган қиймат солиғи – ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида яратилган ва сотилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг қиймати ва ишлаб чиқариш ҳамда айланма маблағларга сарфланган моддий харажатларнинг қиймати сифатида аниқланган қўшимча қийматнинг бир қисмини бюджетга олиб чиқиш шаклидир”.

Тошматов (2012) “Қўшилган қиймат солиғи бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматларнинг бозор нархига нисбатан ҳисобланган билвосита солиқдир дея таърифлаган”.

Павлова ва Дорожколарнинг (2014) фикрича “агар ҚҚСнинг солиқ ставкаларини камайтирсак, унда бюджет даромадлари сезиларли равишда камаяди, бу эса маблағлар тақсимланишининг кўпайишига олиб келади. Бошқа томондан агар таърифларни кўриб чиқсак, кўпчилик ташкилотлар солиқларни тўлашдан бўйин товлашни кучайтирадилар, бунга рухсат берилмайди, чунки давлат бюджети камроқ молиявий ресурсларга эга бўлади” деб ҳисоблайди.

Иқтисодий адабиётларда қўшилган қиймат солиғини «Европача» солиқ деб ҳам аташади. XX асрнинг ўрталарида германиялик иқтисодчи В. Фон Сименс номи билан боғлашадики, у «тоза айланма солиқни» жорий этишни таклиф қилди. Бироқ бу амалга ошмади (Романовского, Врублевской, 2007).

Қўшилган қиймат солиғи француз иқтисодчиси Морис Лоре (1958) номи билан боғлиқ бўлиб, 1954 йилда Кот-д’Ивуар француз колониясида янги солиқ сифатида синовдан ўтказилган, 1958 йилда эса Францияда жорий этилган. Кейинчалик Европанинг барча мамлакатларига 1972 йил охиригача ўз ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар учун ҚҚСни жорий этиш бўйича буюртма беришган. Ҳозирги кунда 137 та мамлакатда ҚҚС жорий этилган.

Mohammad Alizadeh, Masoume Motallabilar (2016) эса қўшилган қиймат солиғи ва давлат харажатлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиб, ижтимоий фаровонликни таъминлаш учун давлат харажатларини қисқартириш, натижада эса ҚҚС ставкасини ҳам пасайтиришни илгари суради.

Sabine Freizer томонидан “Ўзбекистонда солиқ маъмурияти ислоҳоти ва фискал назорат” (2006): Ушбу тадқиқотчи томонидан Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилишнинг умумий кўринишини беради ва солиқ йиғиш механизмларини такомиллаштириш муаммолари ва имкониятларини ёритади. Муаллиф солиқларни ундириш жараёнини яхшилашга солиқ тўловчиларни ўқитиш ва тушунтириш ишларини яхшилаш, шаффофлик ва масъулиятни ошириш, солиқ маъмуриятчилиги тизимини модернизасия қилиш орқали эришиш мумкинлигини таклиф қилади.

Tigran Poghosyan ва Evgeniya Kolomak (2013) томонидан “Ўтиш давридаги мамлакатларда солиқ ислоҳотларининг солиқ қонунчилигига таъсири: Ўзбекистондан олинган далиллар”. Муаллифларнинг фикрича, солиқ тартиб-қоидаларини соддалаштириш ва солиқ ставкаларини пасайтиришга қаратилган солиқ ислоҳотлари солиққа риоя этиш ва даромадларни йиғишни ошириши мумкин.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Республикаимиз солиқ тизимининг самарадорлиги солиққа тортишнинг белгиланган талаблари, мезонлари ва тамойилларига риоя этилиши билан таъминланади. Кўп сонли фаолият кўрсатувчи солиқ тизимларини қуриш Адам Смит (шотланд файласуфи ва иқтисодчиси, 1723—1790) ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) бешта муҳим тамойил шаклида шакллантирилган ғояларига асосланади. Келинг, ушбу тамойилларни давлатимиз солиқлар ва йиғимларига нисбатан кўриб чиқайлик.

1. Аниқлик тамойили. Ҳар бир солиқ ёки йиғим давлатнинг муҳим қонунлари билан белгиланиши ва барча зарур элементларга эга бўлиши кераклигини назарда тутати. Булар солиқ тўловчи, солиқ солиш объекти, солиқ базаси, давр ва ставка, солиқни ҳисоблаш тартиби ва уни тўлаш муддатлари. Солиқ қонунчилигининг барча ноаниқликлари тўловчининг фойдасига талқин этилади.

2. Адолат тамойили. Солиққа тортишнинг универсаллигини назарда тутати. Ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс, агар у бунинг учун тўловчи сифатида тан олинган бўлса, солиқ тўлаши шарт. Солиқ тўловчи давлат бюджетини тўлдиришда ва унинг харажатларини молиялаштиришда иштирок этиши шарт.

3. Қулайлик тамойили. Ҳар бир солиқ тўловчининг давлат қонунларида

белгиланган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт бўлган солиқлар ва йиғимлар ҳақида билишини назарда тутати. Бу тамойил, биринчи навбатда тўловчининг солиқ мажбуриятларини бажаришга, шунингдек, солиқ органлари томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилишнинг олдини олишга қаратилган.

4. Иқтисодиёт тамойили - давлат солиқ тўловчилардан солиқ ва йиғимларни ундиришда харажатларни камайтиришга интилиши. Бу эрда машҳур ибора қўлланилади: “Иқтисодиёт тежамкор бўлиши керак”

5. Мавқеи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, барча солиқ тўловчилар давлат солиқ қонунчилигига мувофиқ бир хил солиқ юкини ўз зиммаларига олишларини назарда тутадиган тенглик тамойили. Солиқ муносабатларининг ҳар бир иштирокчиси (тўловчилар ва давлат) ўз манфаатларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Солиқ маъмурчилигини ислоҳ қилиш юқорида келтириб ўтилган принципларга таяниш баробарида ишлаб чиқилади. Аввало солиқ турларига тўхталиб ўтсак, қўшилган қиймат солиғи (кейинги ўринларда ҚҚС) ҳақида албатта сўз юритилади. Қўшилган қиймат солиғи мамлакатимизда 1992 йилдан бери жорий қилинган бўлиб, ушбу солиқ ставкаси йилдан йилга пасайтирилиб келинмоқда. ҚҚС хорижий давлатлар амалиётида биринчи марта 1954 йилда француз иқтисодчиси Моррис Лоре томонидан таклиф қилинган бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтган кўпгина давлатларда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Масалан, Шарқий Европа мамлакатлари (Германия, Дания, Нидерландия, Франция, Швейцария)да 60 йилларнинг охирида, (Белгия, Буюк британия, Италия, Люксембург, Норвегияда) 70 йилларнинг бошларида ҚҚС жорий этилган ва ҳозирги кунгача амал қилиб келмоқда. Қўшилган қиймат солиғи кўплаб давлатларда истеъмол солиғи ёки тижорат солиғи номи билан, бир хил алтернативда қўлланилади. Қўшилган қиймат солиғи Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги 35 дан ортиқ давлатларда жорий этилган ва ундирилиб келинмоқда. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига (МДХ) кирган барча давлатларда 1992 йилдан бошлаб ҚҚС жорий этилган. Хорижий мамлакатларда ҚҚС давлат бюджетига солиқ тушумларининг 12 фоиздан 30 фоизгача бўлган даромад қисмини қоплайди, яъни ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача 5-10 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистонда 1992-йилдан бери қўлланилиб келинаётган ҚҚС (акциз солиғи билан биргаликда) олдин амал қилиб келган билвосита солиқлар – савдо ва ишлаб чиқариш (шу жумладан импорт) олинандиган солиқларнинг ўрнини тўлиқ алмаштирди”. Ўзбекистон Республикасида 1991 йил охирида ҳозирги вақтда мавжуд бўлган солиқ тизимининг асослари белгилаб қўйилган. Бу вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинандиган даромад солиғи тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинандиган солиқлар тўғрисидаги Қонуни билан 1991 йил феврал ойидан кучга кирган солиқларнинг ўзига хос турлари тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ундан ташқари, Солиқ кодексининг Мажбурийлик принципи деб номланган 8-моддасида эса, “Ҳар бир шахс ушбу Кодексда белгиланган солиқлар ва унда назарда тутилган йиғимларни тўлаши шарт. Ҳеч кимга солиқлар ва йиғимларнинг барча аломатларига эга бўлган, бироқ ушбу Кодексда назарда тутилмаган ёхуд унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ

органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024-йил 23-январдаги ПҚ-39-сонли қарорларини эътироф этишимиз мумкин. Давлатимиз томонидан олиб борилаётган солиқ ислохотлари 5 та йўналишни ташкил этиб, улар қуйидагилар:

Солиқ ислохотининг биринчи йўналиши - иқтисодиётга солиқ юкининг даражасини камайтириш, шунингдек, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизими бўйича солиқларни тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этиш.

Агар умуман республика бўйича қарасак, 2023 йилдан бошлаб бюджет даромадлари 321,0 трлн.сўм харажатлар 380,0 трлн.сўм (2022-йил бюджет даромадлари 286,5 трлн. сўм харажатлар 321,7 трлн.) ни ташкил этган бўлиб, 2024 йил учун тасдиқланган прогноз эса бюджет даромадлари 375,0 трлн сўм миқдорида, харажатлари эса 427,6 трлн.сўм миқдорида режалаштирилган ҳолда консолидатсиялашган бюджет 52,6 трлн.сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиз миқдоридаги тақчиллик билан шакллантирилди. 2018йилдан бошлаб Давлат бюджети даромадларининг ЯИМга нисбати пасаймади, аксинча, фақат ўсди. Гарчи корхоналар ва аҳоли учун солиқлар камайтирилсада, уларнинг ЯИМдаги умумий улуши ортиб бормоқда.

Солиқ ислохотининг иккинчи йўналиши - солиқларни бирхиллаштириш орқали уларнинг сонини оптималлаштириш, шунингдек, ўхшаш солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни бирлаштириш, солиқ ҳисоботларини қисқартириш ва соддалаштириш.

Солиқларни камайтириш ва унификатсия қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан:

- инфратузилмани ривожлантириш солиғи, давлат жамғармаларига ажратмалар, қўшимча фойда солиғи қисқартирилди;

- нефт маҳсулотларини ишлатганлик учун олинадиган солиқ, ягона ер солиғи - бошқа солиқлар билан бирлаштирилди;

- йиғимлардан - автотранспорт воситаларини сотиб олинганлиги ва (ёки) Ўзбекистон ҳудудига вақтинча олиб кирилганлиги учун йиғим чиқариб ташланди.

Солиқ ислохотининг учинчи йўналиши - макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлаш.

Солиқ ислохотининг тўртинчи йўналиши:

- солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш;

- солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатларини максимал даражада чеклаган ҳолда, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини ҳамда Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини

таъминлаш.

Йирик ва ўрта бизнес учун солиқ қонунчилигини маълум даражада соддалаштириш амалга оширилди, бу ҳақда юқорида айтиб ўтилган. Бироқ, солиққа оид қонунчилик кичик бизнес субъектлари, айниқса, айланмаси 1 млрд.сўмдан ошган кичик бизнес субъектлари учун мураккаблашди. Ушбу корхоналар илгари ҳисоблаб чиқариш анча осон бўлган учта солиқни тўлашган. 2019 йилдан бошлаб улар ҚҚС ва фойда солиғи каби ҳисоблаб чиқариш мураккаб бўлган солиқларни тўлашни бошлашди.

Солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш бўйича муайян даражада ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда, шунингдек солиқ органларида инсофли солиқ тўловчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар анча самарали олиб борилмоқда.

Солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш ва Солиқ кодекси нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлашга келсак, бу ерда масала мураккаброқ:

- республикаимиз мустақиллигининг 33 йили мобайнида солиқ қонунчилиги тўртинчи бор тубдан ўзгармоқда. 2018 йилда бошланган солиқ ислоҳоти 2024 йилга келиб ҳам давом этмоқда. Ҳар йили муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда, тўғри бу солиқ тўловчилар учун маълум даражада қийинчиликлар туғдиради. Хусусан, ҚҚС бўйича, 2019 йилдан бошлаб ҚҚСни ҳисоблаб чиқаришнинг оралиқ тизими қабул қилинган. 2020 йилда Солиқ кодексининг қабул қилиниши билан бу тизим бекор қилинди. Дастлаб асосий фондлар бўйича ҳисобга олишни чекловчи тизим жорий этилди, бир йилдан кейин эса чекловлар бекор қилинди. Шу тариқа, ислоҳотлар бошланганидан бери деярли ҳар йили шундай. Ҳа, солиқ тизими ривожлантирилмоқда, лекин қонунчиликдаги тез-тез ўзгартиришлар солиқ тўловчиларда ўз устида ишлашини талаб қилади.

- аксарият экспертларнинг баҳосига кўра, Солиқ кодексининг янги таҳририни илгаригисига қараганда тушуниш анча қийин. Лекин шунга қарамай, солиқ солиш масалаларини тартибга соладиган ҳаволаки нормалар ва қонун ости ҳужжатлари сони анча камайган.

Солиқ ислоҳотининг бешинчи йўналиши - солиқ назоратининг шакл ва механизмларини жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш.

Бу йўналишда катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги уч йилда солиқ назорати бўйича ахборот-коммуникация технологиялари базаси янгиланди. Электрон тизимлар, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик хавфи даражасига қараб уларни сегментлаш билан солиқ хавфи таҳлили, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ ҳисоботи, солиқ тўловчилар ва уларнинг ҳисобварақларини рўйхатдан ўтказиш, ҚҚС тўловчиларни рўйхатдан ўтказишнинг махсус тизими, товарлар ва хизматларнинг идентификатсия кодларини жорий этиш билан электрон ҳисобварақ-фактуралар, шунингдек ҚҚС бўйича солиқ узилиши коеффитсийенти тўғрисида маълумот бериш тизими, ҚР-кодлари асосида махсус назорат белгиларини рўйхатдан ўтказиш ва сканерлаш тизими, онлайн-касса аппаратлари ва онлайн-терминалларнинг ахборот тизими, кўчмас мулк ижара шартномаларини ҳисобга қўйишга мўлжалланган Э-Ижара (ижара.солиқ.уз) электрон сервиси, асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш, товарларнинг келиб тушиши ва қолдиғи таҳлили, онлайн-ҳисоби ва кузатиб боришни юритиш учун “Е-актив” (Е-омбор, виртуал омбор) ахборот тизими.

Солиқлар тарихига назар соладиган бўлсак, “Қўшилган қиймат солиғи ишлаб чиқарувчиларга эмас балки истеъмолга солиқ сифатида дастлаб, 1954-йил Францияда иқтисодчи М.Лоре томонидан таклиф этилди ва кўп мамлакатларга тарқалган” (Завалишина И., 2014) лигини кўришимиз мумкин. ҚҚС Ўзбекистонда 1992 йилдан

солиқ тизимининг бюджет даромадларини таъминловчи энг муҳим қисмига айланди. Унинг солиқ тизимида муваффақиятли амал қилишида Ўзбекистонлик амалиётчи мутахассислар Ш.Гатаулин, Э.Гадоёев, И.Завалишиналарнинг бу солиқни ундириш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ қатор илмий тадқиқотлари мавжуд. Қўшилган қиймат солиғи қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари, ҳисоблаш ва ундириш механизмлари Ш.Тошматов, М.Комилов, Қ.Яҳёевлар томонидан ҳам атрофлича ўрганилган. Шуни таъкидлаш керакки, республикада ўзига хос шаклланган иқтисодий ҳолатни, яъни миллий даромад, ишлаб чиқариш, йирик корхоналар сони ва активи давлат корхоналарига тегишли бўлган шароитда, мулкчиликнинг бошқа шакллари яхши ривожланмаган шароитда бу солиқнинг ва йирик давлат корхоналарига нисбатан қўлланиши унинг фискал аҳамияти ижтимоий соҳаларга камроқ таъсир этган ҳолда жорий этиш имконини берди. Хорижий иқтисодчи олимлардан Жингхиан Зоу, Гуангжун Шен, Яхиан Гонглар Хитойда 2007 йилда ҚҚС бўйича амалга оширилган ислохотларнинг корхоналар инвестиция фаолиятига, замонавий технологиялар жалб қилиш орқали иқтисодий самарадорлик ўсишига, шунингдек “даромад самарадорлиги”, “бозор самарадорлиги” ва “мажбуриятларни қоплаш самарадорлиги”га таъсирини тадқиқ қилган (Jingxian Zou, 2019).

Моҳаммад Ализадеҳ, Масоуме Моталлабилар эса қўшилган қиймат солиғи ва давлат харажатлари ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилиб, ижтимоий фаровонликни таъминлаш учун давлат харажатларини қисқартириш, натижада эса ҚҚС ставкасини ҳам пасайтиришни илгари суради (Mohammad Alizadeh, 2016). Сўнгги даврда республикада иқтисодий шарт-шароитлар ўзгариши ва бозор механизмларининг ривожланиши, ташқи савдо операцияларининг кўпайиши, хусусий капиталнинг ривожланишига имкон берилиши, чет эл корхоналари фаолиятининг фаоллашуви, хорижий капиталлар оқими кўпайиши, халқаро молия институтлари билан алоқалар кучайиши, акциядорлик жамиятлари фаолияти, қимматли қоғозлар бозори фаолияти, капитал бозори фаолияти қонунчилигининг такомиллашуви бу солиқни янада мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришни акс эттирувчи солиқ тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилди. Шу туфайли янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқишда бу солиқни ундириш механизмида янгиликлар яратиш мақсадида тадқиқотлар олиб борилди

Қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, бу жараёнда солиқ юкини пасайтиришга қаратилганлиги иқтисодий сиёсатнинг бош мақсади ҳисобланади. Шу маънода, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари доирасида қўшилган қиймат солиғи бўйича бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилингани эътиборга молик.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори соҳани янги босқичга ўтказилишига ва рақамлаштирилишига асос бўлди. Ушбу қарорларга мувофиқ ҚҚС тўловчилари рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ аризалар етти кун ичида қўриб чиқилиши ва солиқ органлари томонидан аризани кўриб чиқиш натижалари белгиланган муддатда қўшилган қиймат солиғи тўловчига тақдим этилмаганда, унга махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома автоматик равишда берилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари 2023-йил 1-мартдан бошлаб “Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ва устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ

миқдорда бўлган юридик шахслар учун қуйидагилар мажбурий ҳисобланиши белгилаб берилди” (Солиқ кодекси, 2019).

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш ҳамда ўз устав фондини (устав капитални) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни давлат солиқ органларининг “Е-актив” автоматлаштирилган ахборот тизимида акс эттириш;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик фаолияти давомида товар-моддий захиралар сақлаш муддати тугагач яроқсизлиги, жисмонан ва маънан эскирганлиги натижасида йўқ қилинганда ва камомад, йўқотиш ёки шикастланиш сабабли ҳисобдан чиқарилганда уч иш кунидан кечиктирмасдан “Е-актив” автоматлаштирилган ахборот тизимида акс эттириш.



1-расм. ҚҚС тўловчиларининг сони йиллар кесимида шаклланиши

Манба: муаллиф томонидан илмий изланишлар натижасида шакллантирилди

Мазкур расм маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2023-йил ҳолатига махсус рўйхатдан ўтган ҚҚС тўловчилар сони 190 272 тани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,7 фоизга кўп. Энг кўп ҚҚС тўловчилар қуйидаги соҳаларда: савдо – 62,8 минг, қишлоқ хо‘жалиги – 46,4 минг, саноат – 24,8 минг, ҚҚС тўловчиларининг юқори ўсиш суръатлари, транспорт – 24,9 фоиз, хизмат кўрсатиш – 12 фоизга, ахборот ва алоқа – 9,7 фоизга ўсиш кузатилмоқда.

Қўшилган қиймат солиғини бўйича тадбиркорларнинг муаммо ва масалаларини бевосита ўрганиш ва тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Хусусан, бу борада қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларида солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғининг салбий миқдорини қоплаб бериш (қайтариш) бўйича солиқ органларига мурожаат қилишни акс эттирувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



2-расм. Қўшилган қиймат солиғи ставкалари йиллар кесимида.

Манба: муаллиф томонидан илмий изланишлар натижасида шакллантирилди

Қўшилган қиймат солиғи бўйича эндиликда қабул қилинган тартибга кўра, тадбирокорлик субъектларига белгилаб қўйилган қулайликлар яратилиши натижасида ҳам қўшилган қиймат солиғидан бўлган тушумлар ўзгармайди. Корхоналарнинг ҚҚС солиғи ҳисоботларининг деярли барча қисмлари автоматлаштирилиб, электрон тартибга ўтгалиганлиги уларни юритиш билан боғлиқ бўлган англашилмовчиликларни қисқартирилишига сабаб бўлди. Хусусан, ҳисобварақ фактураларнинг кириш яъни харид ва сотув қисмини электрон тартибга ўтказилгани солиқ тўловчиларнинг иш юритиш жараёнини тубдан енгиллаштирилди.



3-расм. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларига давлат бюджетидан қайтарилган салбий фарқ суммалари ҳақида маълумотлар (млрд).

Манба: муаллиф томонидан Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида шакллантирилди

Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини Қўшилган қиймат солиғи салбий фарқ суммасини қайтариб олиш бўйича 2019-йилда янги қабул қилинган Солиқ кодексига янгилик сифатида 274-моддада солиқ ўрнини қоплаб бериш киритилди. Ушбу моддада кўрсатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августда “Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинди. Ушбу қарордан келиб чиқиб ишлаб чиқилган низомга мувофиқ 2020 йилнинг 31 декабр ҳолатига 9 096,8 млрд. сўм миқдорда

қайтарилган қўшилган қиймат солиғи салбий фарқ суммаси солиқ тўловчиларга қайтарилган миқдори 2023 йилнинг 31-декабр ҳолатига 19 666,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, 115 фоиз ўсиш суратини ташкил этмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Яширин иқтисодиётни камайтиришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти учун тенг шароитлар яратиш мақсадида товарлар (иш-хизматлар) нинг бозор нархини аниқлашнинг инсон омилисиз автоматлаштирилган тизимини амалиётга жорий этиш солиқларнинг адолатлилик тамойилининг таъминланиши ҳамда солиқдан асоссиз қочиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

Jingxian Zou, Guangjun Shen, Yaxian Gong (2019) *The effect of value-added tax on leverage: Evidence from China's value-added tax reform.* // *China Economic Review*. Volume 54, April 2019. – Pages 135-146

Mohammad Alizadeh, Masoume Motallabi. (2016) *Studying the Effect of Value Added Tax on the Size of Current Government and Construction Government.* // *Procedia Economics and Finance*. Volume 36,. Pages 336-344.

Sabine Freizer (2006) *tomonidan "O'zbekistonda soliq ma'muriyati islohoti va fiskal nazorat":* <https://documents1.worldbank.org/curated/en/542691624154434845/text/Uzbekistan-Tax-Administration-Reform-Project.txt>

Tigran Poghosyan va Evgeniya Kolomak (2013) https://www.files.ethz.ch/isn/139068/643172_sa231.pdf

Завалишина (2014) / Ю. С. Подлубнова // *Дергачевские чтения – 2014. Русская литература: типы художественного сознания и диалог культурно-национальных традиций : материалы XI Всероссийской научной конференции с международным участием, Екатеринбург, 6–7 октября 2014 г.*

Завалишина И. (2005) *Солиқлар: назария ва амалиёт. Т: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 2005. – 539 б*

Кодекс (2020) *Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси - Тошкент: Гафур Ғулом нашриёт уйи.- 640 б.*

Қарор (2020) *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қўшилган қиймат солиғи ҳамда чет эл юридик шахслари билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 14-август қарори*

Қарор (2021) *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 22-сентябрдаги 595-сонли қарори.*

Морис Лоре (1958) *Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. 4-е изд. — И.Д Питер "Во Франции он стал применяться с 1958 г"*

Павлова Е.В., Дорожко Д.А. (2014) *Безработица как социально-экономическое явление в современной экономике. Проблемы безработицы в Российской Федерации и меры по её снижению // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. Серия: Экономика и управление.. № 3 (18). С. 29–31. №2.*

Райзберг, Б.А. (2008) *Современный экономический словарь [Текст] / Б.А. Райзберг, Л.Ш. Лозовский, Е.Б. Стародубцева. – М.: ИНФРА-М., – 512 с.*

Романовский М.В. (2008) *Налоги и налогообложение: налог на добавленную стоимость/М.В. Романовский, О.В.Врублевская. – СПб.: Питер., – 576 с.*

Романовского М.В., Врублевской О.В. (2007) *Налоги и налогообложение: учебник [Текст] / под ред. М.В.Романовского, О.В. Врублевской. – 6-е изд. – СПб.: Питер, – 491 с.*

Тошматов Ш.А. (2012) *Қўшилган қиймат солиғи. Монография.-Т: "Молия", 15 б; 160 б.*